

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
Б А Ё Н И**

2016 йил 25 июн
соат 11:00

АС-1

Тошкент шаҳри Абай
кўчаси, 4а-уй

Чиқарилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:
24 445 500 дона.

Жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:
24 445 500 дона.

Йиғилишда қатнашиш учун рўйхатга олинган овоз берувчи
акцияларнинг умумий сони: **20 680 655** дона.

Йиғилишда қатнашганлар сони: Акциядорлар ва уларнинг
номидан қатнашаётган вакиллар сони **12** киши.

Жумладан: ишончнома орқали қатнашаётган вакиллар сони -
9 киши ва ўз номидан қатнашаётган акциядорлар сони - 3 киши.

КВОРУМ – 84,60%

Шунингдек, банк Кенгаши аъзолари О.Олимжонов,
А.А.Абдухамидов, Ф.Х.Маликов, банк Тафтиш комиссияси аъзоси
Б.Н.Махмудов, банк Бошқаруви Раиси в.в.б. Ч.С.Мирзаев ҳамда банк
Бошқаруви аъзолари, Департамент директорлари иштирок этдилар.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига
банк Кенгаши аъзоси Олимжонов Одил Олимович раислик қилди.

Йиғилиш котиби: А.А.Қодиров

Умумий йиғилиш саноқ комиссияси раиси - «Туронбанк» АТБ
Ижрони назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Эргашев Олим
Рахматович, комиссия аъзолари - Ғазначилик ва қимматли қоғозлар
департаментининг Қимматли қоғозлар бўлими бош мутахассиси
Светлана Анатольевна Демченко, Ахборот технологиялари
Департаменти директори ўринбосари Исамутдинов Илҳом
Раҳмоновичлар йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг овозларини
ҳисоблаш ва йиғилиш кворуми мавжудлигини аниқлаш бўйича иш олиб
бордилар.

Йиғилиш раиси акциядорлардан банк Кенгаши томонидан тузилган
саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаб
беришларини сўради.

Йиғилишда саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркиби бир
овоздан тасдиқланди.

Умумий йиғилишга Раислик қилувчи О.Олимжонов Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига ҳамда «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Уставига амал қилиб, банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишини 2016 йил 25 июн куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар ва йиғилиш кун тартиби 2016 йил 14 июн куни «Biznes Daily» газетасининг 68 (2087) - сонida эълон қилинганлигини, қонунда белгиланган тартибда акциядорларга хабар қилинганлигини ҳамда барча ташкилий тадбирлар тўлиқ амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтди.

Умумий йиғилишда акциядорлар ва уларнинг вакиллари иштироки ҳамда йиғилишда кворум мавжудлиги тўғрисида маълумот бериш учун сўз **Санок комиссияси раиси О.Р.Эргашевга** берилди.

О.Р.Эргашев Санок комиссияси мажлисининг 2-сонли баённомасини ўқиб эшиттирди ва «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши ваколатли ҳисобланишини маълум қилди (Санок комиссияси мажлисининг 2-сонли баённомаси илова қилинади, 1-илова).

Йиғилиш иштирокчилари Санок комиссиясининг 2-сонли баённомасини бир овоздан маълумот учун қабул қилдилар.

Шундан сўнг, банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши бир овоздан очиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш ҳайъатига банк Кенгаши аъзолари – Абдухамидов Акрамжон Абдуваҳабович, Олимжонов Одил Олимович ва банк Бошқаруви Раиси в.в.б. Мирзаев Чори Садибақосович ҳамда йиғилиш котибиятига Қодиров Абдулазиз Абдулхаевич сайландилар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг санок комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

3. Банкнинг 2015 молиявий йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини ҳамда 2016 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқарувининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Банкнинг 2015 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш.

5. 2015 йил якунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.

6. Банк Кенгашининг 2015 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

7. 2015 йил якунлари бўйича банкнинг бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.

8. Банкнинг 2015 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш.

9. Банкнинг 2016 йил учун ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш.

10. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкида Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш.

11. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

12. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги таҳрирдаги «Туронбанк» АТБ Кенгаши тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш.

13. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги таҳрирдаги «Туронбанк» АТБ Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш.

14. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги таҳрирдаги «Туронбанк» АТБ Бошқаруви тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш.

15. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг “Ички назорат тўғрисида”ги, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги ва “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш.

16. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

17. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш.

18. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

19. Банк Бошқаруви Раисини тасдиқлаш ва у билан меҳнат шартномасини тузиш.

Банк акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилишига Раислик қилувчи О.Олимжонов банк Кенгаши томонидан тасдиқланган йиғилиш регламентини таклиф этди ва овозга қўйди.

Регламент бир овоздан тасдиқланди.

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибининг **учинчи масала** юзасидан Бошқарув Раиси в.в.б. Ч.С.Мирзаев сўзга чиқиб, Банкнинг 2015 молиявий йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи ҳамда 2016 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқарувининг ҳисоботи тўғрисида маъруза қилди (маъруза илова қилинади, 2-илова).

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича Банк ички аудит департаменти директори Ш.Ш.Ишпулатов Банкнинг 2015 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудит хулосасини ўқиб эшиттирди (Ташқи аудит хулосаси илова қилинади, 3-илова).

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича Тафтиш комиссиясининг Раиси Б.Н.Махмудов 2015 йил яқунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси ҳисоботини ўқиб эшиттирди («Туронбанк» АТБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи илова қилинади, 4-илова).

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Кенгаш раиси ўринбосари А.А.Абдухамидовнинг «Банк Кенгашининг 2015 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи» тингланди (Кенгаш ҳисоботи илова қилинади, 5-илова).

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан мажлис раиси О.Олимжонов банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи банк Бошқаруви Раиси маърузасида, Тафтиш комиссиясининг ҳисоботларида ҳар томонлама ёритилганлигини, шунингдек, акциядорларга банкнинг йиллик ҳисоботи, ташқи аудиторнинг хулосаси билан биргаликда танишиш учун тарқатилганлигини айтди. Буларда ҳам 2015 йил давомида банкнинг эришган ютуқлари, олган даромади, фойдаси, рентабеллик кўрсаткичлари ҳамда 2016 йилда қилиниши лозим бўлган асосий вазифалар акс эттирилганлиги, шунинг учун ҳам бу масала юзасидан алоҳида сўзга чиқариш шарт эмас деган таклифни киритди.

Ушбу таклиф банк акциядорлари томонидан маъқулланди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилиш раиси О.Олимжонов Банкнинг 2015 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш юзасидан банк Кенгашининг таклифи куйидагича билдирилганлигини айтиб ўтди, жумладан:

Маълумки, 2015 йил 31 декабр ҳолатига «Туронбанк» АТБнинг тақсимланмаган фойдаси, миллий стандартларга асосан 16 146 727,4 минг сўмни, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига асосан 17 347 139 минг сўмни ташкил этган.

«Туронбанк» АТБ Кенгаши ва Бошқарувига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Кредит ташкилотлари молиявий

ҳолатини кўриб чиқиш комиссияси”нинг 2016 йил 8 апрелдаги 595-сонли қарорига асосан «Туронбанк» АТБ учун 2015 йил якунлари бўйича ҳамда 2016 йилда оралиқ ва йил якуни бўйича дивидендларни тўлаш (устав капиталига йўналтириш бундан мустасно) Марказий банкининг махсус кўрсатмаси берилгунга қадар тўхтатиш бўйича кўрсатма берилган.

2016 йил 9 июндаги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ММ/08-02-36-13/136-сонли хатига асосан банкнинг 2015 йил якунлари бўйича олинган 16 146,7 млн. сўм соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимлаш таклифи маъқулланган:

- Номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона имтиёзли акция учун 340 сўм ёки номинал қийматига нисбатан 20 фоиз миқдорида дивиденд тўлаш учун 2015 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг 10,5%и ёки - 1 688,9 млн. сўм;

- 2015 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг 89,5%и ёки 14 457,7 млн.сўми банкнинг умумий захира фондига ажратма учун.

Йиғилиш раиси О.Олимжонов банк акциядорлари ва уларнинг вакилларидан ушбу масалани юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қарор лойиҳаси асосида бюллетенлар орқали овоз беришларини сўради.

Йиғилиш раиси О.О.Олимжонов кун тартибидаги **тўққизинчи масаласи**- 2016 йил учун банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш бўйича банк Кенгаши томонидан халқаро нуфузли аудиторлик компанияларининг таклифлари чуқур муҳокама қилиниб, аудиторларнинг халқаро нуфузи ва таклиф этилган хизмат ҳақини инобатга олиб, «Deloitte & Touche» аудиторлик компанияси томонидан билдирилган таклиф маъқулланганлигини айтди.

Агар акциядорларда қўшимчалар бўлмаса, 2016 йил учун банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш масаласини қарор лойиҳасига мувофиқ тасдиқласак.

Кун тартибидаги **ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи масалалари бўйича йиғилиш раиси О.О.Олимжонов** умумий йиғилиши кун тартибидаги «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкида Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш масаласи, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги таҳрирдаги Уставини, «Туронбанк» АТБ Кенгаши тўғрисидаги Низом»ни, «Туронбанк» АТБ Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом»ни, «Туронбанк» АТБ Бошқаруви тўғрисидаги Низом»ни, «Туронбанк» АТБ “Ички назорат тўғрисида”ги, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низомларни ва «Туронбанк»

акциядорлик тижорат банкининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масалалари Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида" ПФ-4720-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида киритилганлигини айтди.

Янги таҳрирдаги банк Устави ва Низомлар банк Кенгаши томонидан муҳокама қилинган ҳамда акциядорларга тарқатилган тарқатма маълумотларда батафсил баён этилганлигини инobatга олиб, бошқа таклифлар бўлмаса қарор лойиҳасига асосан бюллетенлар орқали овоз берилишини сўради.

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибининг **ўн еттинчи ва ўн саккизинчи** масалалари, **яъни** банк Кенгаши ва банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш юзасидан йиғилиш раиси атрофлича тушунтириш берди ва акциядорлардан қарор лойиҳасига асосан бюллетенлар орқали банк Кенгаши аъзолигига номзодларга кумулятив ва банк Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларга тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн тўққизинчи масала юзасидан** тушунтириш берган О.Олимжонов ушбу масала бўйича банк Кенгашининг таклифлари қуйидагилардан иборатлигини айтиб ўтди, жумладан:

Мирзаев Чори Садибакасович «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раиси в.в.б. этиб тайинлансин.

Ч.С.Мирзаевни «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раиси в.в.б. сифатида банк акциядорларининг кейинги навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар ишга ёллаш бўйича тузиладиган меҳнат шартномасини имзолаш ваколоти банк Кенгаши раиси И.Н.Нусуровга берилсин.

Мажлис Раиси акциядорлардан ушбу масалага бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш раиси юқорида кўрилган масалаларни муҳокама қилишдан олдин банк фаолиятига баҳо бериш лозимлигини маълум қилди ҳамда банкнинг 2015 йил якунлари бўйича олиб борган фаолиятига баҳо бериш учун банкнинг кўп йиллик мижози, «USUB» МЧЖ Бош директори Ф.Х.Маликов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Бош бухгалтери Б.Тоштемировларга сўз берди. Маърузачилар банк фаолияти тўғрисида ўз фикр ва мулохазаларини ҳамда таклифларини билдириб, банкнинг 2015 йил фаолиятига қониқарли баҳо бердилар. Маъруза давомида акциядорлар

томонидан банк фаолияти, кредит сиёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454 Қарори ижросини таъминлаш юзасидан берилган саволларга банк Бошқаруви Раиси в.в.б. Ч.С.Мирзаев ва Бошқарув Раиси ўринбосари Н.Н.Сайдуллаевлар атрофлича жавоб беришди.

Шундан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

Йиғилиш Раиси кун тартибидаги масалалар бўйича бюллетенлар орқали овоз берилишини айтди.

Акциядорлар эътиборига **биринчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши саноқ комиссиясининг шахсий таркиби тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар эътиборига **иккинчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

«Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги, йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари **учинчи масала** бўйича – Банкнинг 2015 молиявий йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи ҳамда 2016 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқарувининг ҳисоботи тасдиқлансин деган таклифга ҳам бюллетенлар орқали фикр билдирдилар.

Акциядорлар эътиборига **тўртинчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

Банкнинг 2015 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудит хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар эътиборига **бешинчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

2015 йил яқунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Банк Кенгашининг 2015 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги **олтинчи масала** бўйича тарқатилган қарор лойиҳасига акциядорлар ва уларнинг вакиллари бюллетенлар орқали муносабат билдирдилар.

Кун тартибидаги еттинчи масала – 2015 йил якунлари бўйича банкнинг бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш юзасидан тарқатилган қарор лойиҳасига акциядорлар ва уларнинг вакиллари бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорлар эътиборига ҳавола этилган Банкнинг 2015 йил якунлари бўйича олинган 16 146 727,4 минг сўм соф фойдасини тақсимлаш бўйича тарқатилган қарор лойиҳаларига мувофиқ тасдиқлаш учун овоз бердилар.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорлар эътиборига ҳавола этилган банкнинг 2016 йил учун ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш бўйича тарқатилган қарор лойиҳаларига мувофиқ тасдиқлаш учун овоз бердилар.

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибидаги **ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи масалалари** юзасидан тарқатилган қарорлар лойиҳаларига мувофиқ тасдиқлаш учун овоз бердилар.

Кун тартибидаги **ўн еттинчи масала** юзасидан йиғилиш раиси «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоллигига сайлаш учун акциядорлар эътиборига ўн тўрт нафар номзод таклиф этилганлигини билдирди ва банк акциядорларининг кейинги навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар банк Кенгашининг аъзолари этиб кумулятив овоз бериш орқали улардан ўн бир нафарини сайлаш лозимлигини билдирди:

- Олимжонов Одил Олимович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти «Ўрта ва узоқ муддатда иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш» лойиҳаси раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор;

- Каримов Фарход Фатхуллаевич - «O'zagrosug'urta» АЖ Бошқаруви Раиси;

- Маликов Фаттоҳ Халилович - «USUB» МЧЖ Бош директори;

- Махмудов Фозил Ходжаназарович - «Ўзсувэнерго» бирлашмаси Бош ҳисобчиси;

- Хажимуратов Шерзод Юлдашевич - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари;

- Аминов Рустам Анварович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси раиси ўринбосари;

- Нусуров Исмат Нусратович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази Бош директори;

- Шарипов Нажмиддин Шухратович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Бош бошқарма бошлиғи;

- Юнусов Джахонгир Баходирович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;

- Абдухамидов Акрамжон Абдувахабович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;

- Қаюмов Асадулла Ўралович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;

- Миралиев Алишер Эркинович - Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари;

- Хожанепесов Жумабай Амангельдиевич - "GLOBAL STEEL" МЧЖ Бош директори;

- Кирячок Роман Михайлович - "RUGGED STEEL" МЧЖ Бош директори.

Мухокамадан сўнг, акциядорлар ва уларнинг вакиллари юқоридаги номзодларга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар эътиборига кун тартибининг **ўн саккизинчи масаласи** – банк Тафтиш комиссияси аъзолигига сайлаш учун қуйида тақлиф этилаётган тўрт нафар номзоддан уч нафарини сайлаш лозимлиги билдирилди:

- Маджидов Дильмурод Бахтиярович - "ZIKOS INVEST" ҚК МЧЖнинг вакили;

- Махмудов Бекзод Нематжонович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари;

- Умматов Бекзод Хамзаевич - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Бош мутахассиси;

- Джураев Шерзод Азимович Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси етакчи мутахассиси.

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари ушбу таклифга бюллетенлар орқали муносабат билдирдилар.

О.Олимжонов банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибининг **ўн тўққизинчи масаласи** юзасидан банк Кенгашининг таклифлари қуйидагилардан иборатлигини такидлади, жумладан:

Мирзаев Чори Садибакасович «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раиси в.в.б. этиб тайинлансин.

Ч.С.Мирзаевни «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раиси в.в.б. сифатида банк акциядорларининг кейинги навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар ишга ёллаш бўйича тузиладиган меҳнат шартномасини имзолаш ваколоти банк Кенгаши раиси И.Н.Нусуровга берилсин.Мазкур таклифга акциядорлар ва уларнинг вакиллари бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Шундан сўнг танаффус эълон қилинди.

(Танаффусдан сўнг)

Саноқ комиссияси раиси О.Р.Эргашев «Туронбанк» АТБ акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилишидаги овоз бериш натижаларини ҳисоблаш бўйича саноқ комиссиясининг 3-сонли баённомасини ўқиб эшиттирди (6-илова).

Жумладан, овоз бериш натижалари ҳисобланганда қуйидагилар маълум бўлди:

*Йиғилишида иштирок этган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 12 дона бюллетен бўйича жами овозлар сони **20 680 655** та. Овозга қўйилган масала юзасидан овозлар қуйидагича тақсимланган:*

Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг учинчи масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг тўртинчи масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг бешинчи масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг олтинчи масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг еттинчи масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 11 бюллетен бўйича 20 650 655 овоз, яъни 99.9 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – 1 та бюллетен бўйича 30 000 овоз, яъни 0.1%;

Кун тартибининг сақизинчи банкнинг 2015 йил якунлари бўйича олинган 16 146 727,4 минг сўм соф фойдаси тақсимлаш юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 11 бюллетен бўйича 20 650 655 овоз, яъни 99.9 %;

«Қаршилар» – 1 та бюллетен бўйича 30 000 овоз, яъни 0.1 %;

«Бетарафлар» – йўқ.

Кун тартибининг тўққизинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 10 бюллетен бўйича 20496 499 овоз, яъни 99.1 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – 2 та бюллетен бўйича 184 156 овоз, яъни 0.9 %.

Кун тартибининг ўнинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 11 бюллетен бўйича 20650 655 овоз, яъни 99.5 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – 1 та бюллетен бўйича 30 000 овоз, яъни 0.1 %;

Кун тартибининг ўн биринчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

Кун тартибининг ўн иккинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

Кун тартибининг ўн учинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг ўн тўртинчи масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг ўн бешинчи масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг ўн олтинчи масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг ўн еттинчи масаласи (Банк Кенгаши
аъзолигига номзодларни сайлаш) юзасидан овозлар номзодлар
ўртасида қуйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:**

Фамилияси, исми, отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Овозлар сони
Олимжонов Одил Олимович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг «Ўрта ва узоқ муддатда иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш» лойиҳаси раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор	14 622 135
Каримов Фарход Фатхуллаевич	«O'zagrosug'urta» АЖ Бошқаруви Раиси	3 106 323
Маликов Фаттоҳ Халипович	«USUB» МЧЖ Бош директори	14 873 741
Махмудов Фозил Ходжаназарович	«Ўзсувэнерго» бирлашмаси Бош хисобчиси	19 271 772
Хажимуратов Шерзод Юлдашевич	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари	21 961 655
Аминов Рустам Анварович	Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш	21 961 655

	Давлат Қўмитаси раиси ўринбосари	
Нусуров Исмат Нусратович	Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази Бош директори	21 961 654
Шарипов Нажмиддин Шухратович	Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг Бош бошқарма бошлиғи	21 931 654
Юнусов Джахонгир Баходирович	Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи	21 931 654
Абдухамидов Акрамжон Абдувахабович	Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи	21 961 654
Қаюмов Асадулла Ўралович	Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи	21 931 654
Миралиев Алишер Эркинович	Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари	21 931 654
Хожанепесов Жумабай Амангельдиевич	“GLOBAL STEEL” МЧЖ Бош директори	0
Кирычок Роман Михайлович	“RUGGED STEEL” МЧЖ Бош директори	0

Кун тартибининг ўн саккизинчи масаласи яъни банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш юзасидан овоз бериш натижалари қуйидагича аниқланди:

Кун тартибининг 18.1 масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 2 бюллетен бўйича 312 393 овоз, яъни 1,5 %;

«Қаршилар» – 10 бюллетен бўйича 20 368 262 овоз, яъни 98,5 %;

«Бетарафлар» – йўқ.

Кун тартибининг 18.2 масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 11 бюллетен бўйича 20 398 262 овоз, яъни 98,6 %;

«Қаршилар» – 1 бюллетен бўйича 282 393 овоз, яъни 1,4 %;
«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг 18.3 масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;
«Қаршилар» – йўқ;
«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг 18.4 масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;
«Қаршилар» – йўқ;
«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг ўн тўққизинчи масаласи юзасидан овоз бериш
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 12 бюллетен бўйича 20 680 655 овоз, яъни 100 %;
«Қаршилар» – йўқ;
«Бетарафлар» – йўқ.

Хулоса: Акциядорларнинг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган барча масалалар бўйича банк Кенгашининг таклифлари кўпчилик овоз билан тасдиқланди.

Йиғилиш Санок комиссияси мажлисининг мазкур баённомасини бир овоздан маълумот учун қабул қилди.

Шу билан банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўз ишини тамомлади.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан берилган овозлар якуний ҳисобига кўра, очиқ акциядорлик тижорат Туронбанк акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг қарори қабул қилинди.

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
Қ А Р О Р И:**

1. Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши санок комиссиясининг шахсий таркиби тасдиқлансин.

2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги, йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

3. Банкнинг 2015 молиявий йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи ҳамда 2016 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқарувининг ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Банкнинг 2015 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудит хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

5. 2015 йил яқунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

6. Банк Кенгашининг 2015 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

7. 2015 йил яқунлари бўйича банкнинг бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисоби тасдиқлансин.

8. Банкнинг 2015 йил яқунлари бўйича олинган 16 146 727,4 минг сўм соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:

- Номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона имтиёзли акцияга 340 сўм ёки номинал қийматига нисбатан 20 фоиз миқдорида дивиденд тулаш учун 2015 йил яқунлари бўйича олинган соф фойданинг 10,5%и 1 688 950,0 минг сўм ажратилсин;

Дивидендлар пул маблағлари кўринишида тўланади. Дивиденд тўлаш муддатининг бошланиш санаси 2016 йил 1 июл этиб белгилансин ва 2016 йил 24 августгача амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ тўлаб берилсин;

- 2015 йил яқунлари бўйича олинган соф фойданинг 89,5%и ёки 14 457 777,4 минг сўми банкнинг умумий захира фондига йўналтирилсин.

9. Банкнинг 2016 йил учун ташқи аудитори этиб «Deloitte & Touche» аудиторлик компанияси тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳизмат ҳаққининг энг кўп миқдори пул маблағлари тўланган санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган расмий курснинг сўмдаги эквивалентида 74 000 (етмиш тўрт минг) АҚШ доллари этиб белгилансин.

10. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятида Корпоратив бошқарув кодекси жорий этилсин:

- «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкида «Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси»нинг 2016 йил 11 февралдаги 9-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган «Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари»га амал қилинсин;

- «Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари»га амал қилиш тўғрисидаги хабарнома матни тасдиқлансин;

- «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви зиммасига 10 кун муддат ичида Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш тўғрисидаги хабарномани «Корпоратив маълумотлар ягона портали»да, «Тошкент» РФБ ва «Туронбанк» АТБ расмий веб-сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитасига маълумот киритиш вазифалари юклатилсин.

11. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин.

12. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги таҳрирдаги «Туронбанк» АТБ Кенгаши тўғрисидаги Низоми» тасдиқлансин.

13. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги таҳрирдаги «Туронбанк» АТБ Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низоми» тасдиқлансин.

14. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги таҳрирдаги «Туронбанк» АТБ Бошқаруви тўғрисидаги Низоми» тасдиқлансин.

15. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг «Ички назорат тўғрисида»ги, «Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида»ги ва «Ахборот сиёсати тўғрисида»ги Низомлари тасдиқлансин.

16. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

17. Банк акциядорларининг кейинги навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар банк Кенгаши аъзолари этиб қуйидагилар сайлансин:

- Олимжонов Одил Олимович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти «Ўрта ва узоқ муддатда иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш» лойиҳаси раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор;

- Маликов Фаттоҳ Халилович - «USUB» МЧЖ Бош директори;

- Махмудов Фозил Ходжаназарович - «Ўзсувэнерго» бирлашмаси Бош ҳисобчиси;

- Хажимуратов Шерзод Юлдашевич - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари;

- Аминов Рустам Анварович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси раиси ўринбосари;

- Нусуров Исмаи Нусратович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази Бош директори;

- Шарипов Нажмиддин Шухратович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Бош бошқарма бошлиғи;

- Юнусов Джахонгир Баходирович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;

- Абдухамидов Акрамжон Абдувахабович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;

- Қаямов Асадулла Ўралович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;

- Миралиев Алишер Эркинович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари.

18. Банк акциядорларининг кейинги навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар банк Тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

- Махмудов Бекзод Нематжонович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари;

- Умматов Бекзод Хамзаевич - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Бош мутахассиси;

- Джураев Шерзод Азимович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси етакчи мутахассиси.

19. Мирзаев Чори Садибакасович «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раиси в.в.б. этиб тайинлансин.

Ч.С.Мирзаевни «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раиси в.в.б. сифатида банк акциядорларининг кейинги навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар ишга ёллаш

бўйича тузиладиган меҳнат шартномасини имзолаш ваколоти банк Кенгаши раиси И.Н.Нусуровга берилсин.

20. Мазкур қарорлар ижросини назорат қилиш «Туронбанк» АТБ Кенгаши зиммасига юклатилсин.

Умумий йиғилиш раиси,
«Туронбанк» АТБ
Кенгаши аъзоси



О.Олимжонов

Йиғилиш котибияти



А.А.Қодиров

Умумий йиғилиш
Саноқ комиссияси раиси



О.Р.Эргашев

«Туронбанк» АТБ
Бошқаруви Раиси в.в.б.



Ч.С.Мирзаев

Умумий йиғилиш баёни имзоланган сана: «4» июл 2016 йил.